

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

СУЯРКУЛОВА МАДХИЯ ЭРКИНОВНА

**МУДДАТИДАН ОЛДИНГИ ТУҒРУҚЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА
ПЕРИНАТАЛ ЁРДАМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, УНИНГ
РЕПРОДУКТИВ ЙЎҚОТИШЛАРНИ КАМАЙТИРИШДАГИ
САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Суяркулова Мадхия Эркиновна

Муддатидан олдинги туғруқлар профилактикасида перинатал ёрдамни
такомиллаштириш, унинг репродуктив йўқотишларни
камайтиришдаги самарадорлиги.....3

Суяркулова Мадхия Эркиновна

Совершенствование перинатальной помощи в профилактике
преждевременных родов, ее эффективность в снижении
репродуктивных потерь.....29

Suyarkulova Madkhiya Erkinovna

Improvement of perinatal care in prevention of premature labor,
its efficiency in reducing reproductive losses.....53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....56

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРНИ БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

СУЯРКУЛОВА МАДХИЯ ЭРКИНОВНА

**МУДДАТИДАН ОЛДИНГИ ТУҒРУҚЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИДА
ПЕРИНАТАЛ ЁРДАМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ, УНИНГ
РЕПРОДУКТИВ ЙЎҚОТИШЛАРНИ КАМАЙТИРИШДАГИ
САМАРАДОРЛИГИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИНИНГ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib328 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасига (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Бабаджанова Гулджахан Саттаровна** тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна** тиббиёт фанлари доктори, профессор

Каримова Феруза Джавдатовна тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот: **Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail @tashpmi. uz..

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент ш., Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий семинар
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда муддатидан олдинги туғруқ ва чала болаларнинг туғилиши, янги туғилган чақалоқларнинг ҳаёт сифатига таъсир этиши билан бутун дунёда жиддий тиббий ва ижтимоий муаммо сифатида аҳамият касб этмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра ҳар йили дунёда 15 миллион нафар бола «хаддан ташқари эрта» туғилмоқда, 7,6 миллион нафар чала туғилган бола узини бешинчи туғилган кунига етмасдан ўлмоқда. Гўдаклар ўлимининг 40 фоизидан ортиғи улар умрининг биринчи ойи давомида, яъни неонатал даврда юз бермоқда, 1,1 миллион нафар бола бевосита муддатидан олдин туғруқ асоратларидан нобуд бўлмоқда. Муддатидан олдинги туғруқ 5 ёшгача бўлган болалар орасида ўлимнинг зотилжамдан кейин иккинчи асосий сабаби деб ҳисобланади»¹. Шу жиҳатдан ҳам ушбу муаммонинг дунёнинг барча мамлакатларида мавжудлиги, даво самарадорлигининг паст ҳолда сақланиши, чала туғилган болаларни парваришлаш, чала туғилишларни прогнозлаш, профилактика қилиш, даволаш усуллари самарадорлигини оширишни тақозо этмоқда.

Жаҳонда муддатидан олдинги туғруқлар, ўз-ўзидан муддатидан олдин туғилиш ёки онанинг аҳволи оғирлиги сабабли индуцирланган муддатидан олдин туғишни сифатли олиб боришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ҳомиладорларда гестациянинг 22-ҳафтасидан кейин гипертензив ҳолатларнинг оғир даражаси ривожланиши ёки оғир соматик патологиянинг чуқурлашиб кетиши кўпинча ҳомиладорликни тухтатишга кўрсатма сифатида тасдиқланган. Муддатидан илгари туғилиши керак бўлган ҳомиланинг яшаб кетиш қобилиятига ҳам жиддий аҳамият берилмоқда, чунки чала туғилган чақалоқларнинг 60% умрининг илк кунларида нобуд бўлади. ЖССТ томонидан тавсия этилган перинатал технологиялар муддатидан олдинги туғруқлар ва йўқотишлар содир бўлиш даражасини камайтириши, ҳомила сурфактант тизимини тайёрлаш, унинг ҳолатини доплеромерик текширувлар ёрдамида аниқлаш, фетоплацентар тизим фаолиятини, онанинг ҳаёти учун муҳим аъзолар функциясини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этмоқда².

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, ҳомиладорлик даврида аёлларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, муддатидан илгари туғилишларни камайтириш борасида кенг қамровли ислохатлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда «... оналар ва болалар саломатлигига масъул тузилмалар («Аёллар маслаҳатхонаси», пренатал скрининг хонаси, «тиббиёт бригадалари» таркибидаги оилавий шифокор, педиатр ва бошқалар)нинг ҳомиладор аёлни

¹[Born too soon: the global action report on preterm birth. World Health Organization. 2012. <http://www.who.int>]²<http://library.ziyonet.uz/uz/book/107445>

² [Cochrane Data base Syst Rev. 2014,(2):CD007062. doi: 10.1002/14651858.CD007062.pub3. PMID: 24578236 Review.]

комплекс кузатуви бўйича қуйидаги чора-тадбирларни назарда тутувчи ўзаро ҳамкорлик ва мувофиқлаштирилишини таъминловчи ягона тизимни жорий этиш...»³ каби устувор вазифалар белгиланган. Бу борада муддатидан олдин туғилишларни камайтириш, замонавий перинатал технологияларни тадбиқ этиш, ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган ташхислаш ва даволашнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохатлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 8 ноябрдаги ПҚ-4513-сонли «Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва кўламини янада кенгайтириш тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий адабиётлар маълумотларининг кўрсатишича, ўз-ўзидан юз берадиган муддатидан олдинги туғруқларнинг 40-50 фоизида уларнинг сабабини аниқлаб бўлмайди (Ляличкина ва ҳаммуал., 2015; Doret M. Et al., 2016). Муддатидан олдинги туғруқ бўйича юқори хавф гуруҳидаги ҳомиладорларда она-йулдош-ҳомила тизимида қон айланишини бузилиши бачадон артерияларида, киндик артерияларида ва ҳомиланинг ўрта мия артериясида юқори томирли резистентлик билан характерланади. Ўзбекистонда ҳам ўтказилган илмий ишлар муддатидан олдинги туғруқларнинг асосий сабаби деб ҳомила пардасининг ёрилиши бўлиб, бу ерда цервикал омил: органик ва ноорганик истмик-цервикал етишмовчилик, бачадон бўйни узунлигининг қисқариши ва ҳоказолар муҳим роль ўйнайди (Н.Уринбаева 2018; Н.Рузиева 2020).

Хорижий муаллифларнинг маълумотларига кўра, экстремал кичик вазнда туғиладиган чақалоқлар учун ҳомиладорликни бир ҳафтага узайтириш чала туғилган болаларнинг неонатал ўлимини 30 фоизга камайтиради. Бу бемор аёлни «...III-даражадаги стационарга етказиб олиб бориш, янги туғилган чақалоқларда нафас олиш бузилишлари синдромининг олдини олиш учун имкон туғдиради...» (ACOG Practice Bull., 2016).

³ ЎзР Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори.

Янги перинатал технологияларни ишлаб чиқиш, ҳамда ҳомила пардаси муддатидан олдин ёрилган ҳомиладорларни олиб бориш учун мавжуд стандартларни қайта баҳолаб чиқиш ва такомиллаштириш, ҳаттоки преэклампсиянинг оғир даражасида ҳам, жуда эрта муддатларда чала туғилган чақалоқларнинг яшаб қолувчанлигини ошириш мақсадида ҳомиладорликни узайтиришга ёрдам беради (Younger JD et al., 2017). Ҳомила нейропротекциясини ўтказиш керак, деган фикрлар муҳим аҳамиятга эга. Американинг бир нечта университет тиббий марказлари негизида олиб борилган илмий тадқиқот, ниҳоятда кичик ва жуда кичик вазнда туғилган болаларда, уларнинг оналари ҳомиладорлик пайтида магний сульфат ва кортикостероидлар бирга қўшилган терапияни олган тақдирда, асаб тизими ривожланишининг жиддий бузилишлари ва улар билан боғлиқ ўлим ҳолати камроқ учрайди, деган гипотезани текширди ва асослаб берди (Stelzl P. et al., 2019).

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси ҳисобга олинса, муаммо долзарб бўлиб, шу муносабатда чала туғилган чақалоқларнинг перинатал касалланиши ва ўлимини камайтириш, уларни турмуш сифатини яхшилаш мақсадида, муддатидан олдинги туғруқ хавфи юқори бўлган аёлларни ташхислаш ва даволашнинг информатив усулларини тадбиқ этиб илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурати мавжуд.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий–тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №01.1800231 «Она, ҳомила, янги туғилган ва ёш болалар касалликларини ташхислаш ва даволашда инновацион ёндашувлар» (2019-2021) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий перинатал технологияларни қўллашнинг хавф гуруҳдаги ҳомиладор аёлларда муддатидан олдинги туғруқ, перинатал касалланиш ва репродуктив йўқотишлар сонини камайишини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйдагилардан иборат:

замонавий перинатал технологиялар тадбиқ этилгунига қадар муддатидан олдинги туғруқда аёлларнинг перинатал касалланиши ва ўлими тез-тез содир бўлиши, ретроспектив маълумотлар асосида уларнинг сабабларини аниқлаш;

ўз-ўзидан муддатидан олдинги туғруқларни келтириб чиқарадиган турли хавф омилларининг аҳамиятини таҳлил қилиш;

ФПК томирлари доплерометрия усулини қўллаш йўли билан бачадон-йулдош ва ҳомила-йулдош қон оқимини мониторинг қилиш ва цервикометриянинг уларнинг бузилишлари ривожланишидаги аҳамиятини аниқлаш;

перинатал марказ шароитида ҳомиладорликни ҳомила яшашга қобилиятли бўлгунига қадар узайтириш учун преэклампсиянинг оғир даражасидаги ҳомиладорларни юритишнинг янги перинатал технологиясини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

муддатидан олдинги туғруқ ва/ёки ҳомила олди сувларининг муддатидан олдин оқиб кетиши хавфи юзага келганда ҳомиладорликни юритиш тактикасини танлашда вилоят перинатал марказ амалиётига замонавий перинатал технологияларни жорий этиш самарадорлигини аниқлаш;

замонавий перинатал технологияларни жорий этишнинг репродуктив йўқотишларни камайтиришдаги тиббий, ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилоят перинатал марказига туғиш учун келган 560 нафар аёлларнинг ретроспектив туғруқ тарихлари, муддатидан олдин туққан 209 нафар ҳомиладор аёллар ва 35 нафар соғлом ҳомиладор аёллар олинган.

Тадқиқотнинг предметини биокимёвий ва микробиологик текширувлар учун ҳомиладор аёлларнинг периферик қон ҳамда туғруқ йўлларида олинган ажралмалар материалларидан ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, махсус акушерлик ва гинекологик, ультратовуш, доплерография, биокимёвий, микробиологик ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк маротаба оғир преэклампсияли ҳомиладор аёлларда перинатал марказ шароитида ҳомиладор аёл ва ҳомила аҳолини мониторинг қилиш ва даволаш йўли билан ҳомиладорликни ҳомила яшаб кетадиган пайтгача узайтириш бўйича янги перинатал технология ишлаб чиқилган;

илк бор ўз-ўзидан муддатидан олдинги туғруқда ҳамда тиббий кўрсатмалар бўйича аёлларда оғир преэклампсия ҳолатида ҳомиладорликни узайтириш пеританал технологиясини тадбиқ этиш ҳисобига перинатал касалликлар ва перинатал йўқотишлар частотасини камайиши асосланган;

муддатидан олдинги туғруқ хавфи ва оғир преэклампсия мавжуд ҳомиладорларда ҳомиланинг яшаб қолиш имкониятини текшириш ва юритишнинг клиник-диагностик алгоритми такомиллаштирилган;

республика перинатал марказларида аёллар турмуши сифатини яхшилаш имконини берадиган замонавий перинатал технологияларни жорий этиш экстремал кам вазнли болалар туғилишини камайишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

амалий акушерлик учун муддатидан олдинги туғруқ (МОТ) ва қоғоноқ сувлари эрта кетиши (ҚСЭЖ) клиник хавфи мавжуд ҳомиладор аёлларни юритиш алгоритми, шунингдек кўрсатмалар бўйича муддатидан олдин туғруқда ҳомиладорларни юритиш алгоритми асосланган;

таклиф этилган алгоритмнинг тадбиқ этилиши МОТ частотасининг камайишига, чала туғилган болаларнинг яшаб қолиши ҳолатларининг сони ортишига, экстремал кам вазнли болалар туғилишини тез-тез содир бўлишининг камайишига олиб келиши исботланган;

репродуктив йўқотишлар тез-тез содир бўлишини камайитириш мақсадида оғир преэклампсияли аёлларда ҳомиладорликни узайтириш самарадорлиги

кўрсатиб берилган, бу чала туғилган чақалоқларнинг яшаб қолишини 8 фоизга ошиши исботланаган;

таклиф этилган алгоритм нафақат ниҳоятда кичик вазнли болалар туғилиши частотасини камайтириш, балки уларни парваришлашга иқтисодий харажатларни ҳам камайтириш имконини берди; бу чала туғилган болаларни парваришлаш бўлимларидаги ўрин-кунлар сонини қисқаришига олиб келиши исботланган;

МОТ ва муддатидан олдин туғиш хавфи мавжуд бўлганда ҳомиладорларни олиб бориш сифати, перинатал кўрсаткичлар яхшиланишига эришилган, ФВПМда перинатал ўлим 2019 йилда 10,3%о гача камайган, бу 2013 йилдагига нисбатан (16,9%о) анча пастлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти муддатидан олдинги туғруқ, қоғоноқ сувлари эрта кетиши ва преэклампсияни ташҳислаш, тайёрлаш ва юритиш соҳасида назарий билимлар кўламининг кенгайиши, ҳомиладорликни узайтириш, ўта кам ва экстремал кам вазнда туғилган чақалоқларда неонатал ўлимни камайтириш ўртасидаги боғлиқликнинг исботланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти акушерлик ва перинатология учун муддатидан олдинги туғруқ, қоғоноқ сувлари эрта кетиши хавфи мавжуд бўлганда ва оғир преэклампсияда ҳомиладорликни юритиш, узайтириш ва ҳомиладор аёлларни муддатидан олдин туғдириш протоколи ишлаб чиқилган ва синовдан ўтказилган, замонавий перинатал технологияларни қўллаш репродуктив йўқотишларни камайтиради ҳамда экстремал кам вазн билан чала туғилган болаларнинг яшаб қолиш қобилятини оширган, консерватив кутишга асосланган тактикани қўллаганда 22-35 ҳафта муддатларда ҳомиладорлик қоғоноқ сувлари эрта кетиши билан асоратланган ҳомиладорларнинг перинатал яқунларини ўрганиш шуни кўрсатдики, қоғоноқ сувлари эрта кетиши ҳомиладорлик узайтирилганда ҳомиланинг ўпкасида тезкор етилиш, чақалоқларнинг яшаб қолиши эҳтимоли ошиши, ҳомилада нафас олиш фаолияти бузилиши синдромининг оғир шакллари учрашининг камайиши ва шунга боғлиқ ҳолда ушбу гуруҳдаги болаларнинг ногиронлик фоизи ҳам камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг жорий қилиниши. Муддатидан олдинги туғруқлар профилактикасида перинатал технологияларни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

муддатидан олдинги туғруқлар профилактикасида перинатал ёрдамни такомиллаштириш, унинг репродуктив йўқотишларни камайтириш асосида ишлаб чиқилган “Муддатидан олдинги туғруқларда замонавий перинатал технологияларни қўллаш” бўйича услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 21 октябрдаги 8н-р/437-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома муддатидан олдинги туғруқлар ва оғир преэклампсияда ҳомиладорликни узайтиришга, экстремал кам ва ниҳоятда кам вазнли чала туғилган чакалоқларнинг неонатал ўлимини камайтиришга, уларнинг яшаб қолиш қобилиятини яхшилаш имконини берган;

муддатидан олдинги туғруқ ва преэклампсия хавфи мавжуд ҳомиладорларни юритиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон ва Наманган вилоят перинатал марказлари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 26 ноябрдаги 8н-д/202-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларни амалиётга жорий қилиниши муддатидан олдинги туғруқ ва преэклампсия хавфи мавжуд ҳомиладорларни текшириш сифатини оширишга, неонатал ўлим кўрсаткичларини камайтиришга, туғруқхонада бўлиш муддатларининг қисқаришига, даволаш ҳаражатларини ҳар бир чала туғилган чакалоқ учун 1млн. 50 минг сўмни камайтириш ҳамда аёлларнинг турмуш сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий анжуманда муҳокама қилинган, жумладан, 2 та республика ва 3 та халқаро ва илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Муддатидан олдинги туғруқни юритишда перинатал технологияларнинг роли ва аҳамияти тўғрисидаги замонавий

тасаввурлар» деб номланган биринчи боби муддатидан олдинги туғруқлар сабабларини, уларнинг асоратларини ЖССТнинг ва етакчи халқаро ташкилотларнинг амалдаги стандартларини ўрганиш, муддатидан олдинги туғруқлар (МОТ)ни юритиш ва перинатал ёрдам кўрсатиш бўйича Кохрейн услубий тавсияларига бағишланган адабиётлар шарҳи берилган. МОТнинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти, перинатал касалланиш ва ўлим ҳақидаги ҳозирги тасаввурлар таҳлил қилиб берилган. МОТ хавфини аниқлашга ва перинатал технологиялар асосида ёрдам кўрсатишга замонавий ёндашувлар ўрганилган.

Диссертациянинг **«Материалларнинг клиник тавсифлари ва қўлланилган тадқиқот усуллари»** деб номланган иккинчи бобида муаллиф аёлларда ўтказилган тадқиқотлардаги ўз-ўзидан МОТ ривожланиши ва муддатидан илгари туғдириш тез-тез учраши, сабаблари ва хавф омилларини батафсил баён қилади, унда Фарғона вилоят перинатал марказнинг (ФВПМ) туғруқ бўлимларида 2018-2019 йилларда тушган 560 нафар аёлларнинг туғруқ тарихлари ретроспектив ўрганилди. ФВПМга 2018-2019 йилларда ётқизилган 209 нафар ҳомиладор аёлларда ретроспектив текширувлар ўтказилди. Текширилган ҳомиладор аёлларнинг ҳаммаси 3 гуруҳга ажратилди: 1-гуруҳга МОТ ва ҳомила қоғаноқ сувларининг эрта кетиши (ҚСЭК) хавфи мавжуд 82 нафар аёл киритилди, уларда барча мавжуд перинатал технологиялар қўлланилди, 2-гуруҳга 68 нафар ҳомиладор аёл киритилди, уларда ҳам ҚСЭК ва МОТ актив фазаси кузатилган бўлиб, уларга перинатал технологияларнинг барча турлари асосида ёрдам кўрсатиш имконияти бўлмаган, 3-гуруҳдаги 59 нафар ҳомиладор аёл оғир даражадаги преэклампсия билан муддатидан олдин туғдиришга келтирилган. Назорат гуруҳини ҳомиладорлик ва туғруқ физиологик нормал кечаётган 35 нафар аёл ташкил қилган.

Диссертациянинг **«Текширилган аёлларда соғлиғи, репродуктив тизими ҳолатининг клиник тавсифи, муддатидан олдинги туғруқ хавфининг энг аҳамиятли омиллари»** деб номланган учинчи бобида ФВПМнинг 2013-2014 йиллардаги иш фаолиятининг ретроспектив кўрсаткичлари таҳлил қилинди. Таҳлил шуни кўрсатдики, 2009 йилда ФВП марказ ташкил этилгандан, унга муддатидан олдин туғруқ ва туғруқ фаолияти бошланган, ҳомила олди сувларининг туғруқдан олдин кетиш мавжуд аёлларнинг йўналтирилиши шунга олиб келдики – муддатидан олдинги туғруқлар 2009 йилдаги 9,4%дан 2018 йилда 22,9%га кўпайди. Бу кутилган ҳолат эди. МОТ хавфи ёки бошланган МОТ билан стационар даволанишга келтирилган жами 560та аёлнинг туғруқ тарихи ўрганилди. 2013 ва 2014 йилларда муддатидан олдинги туғруқлар 16,0%ни ташкил қилган, улардан 78,6% чала туғилган болаларнинг неонатал ўлими билан якунланган. Чала туғилган болалар, яъни жонлантириш ва интенсив терапия бўлимидан ўтган болалар ўртасида касалланиш умумий туғилган болалар сонининг 54,1%ни ташкил қилди. Аёлларда ўтказилган клиник-анамнестик, лаборатор, инструментал таҳлиллар натижалари шуни кўрсатдики, болаларнинг экстремал кам ва жуда кам вазн билан туғилиши тез-тез учраб туришини камайтириш,

чала туғилган болалар ўртасида перинатал касалланиш ва ўлим кўрсаткичларини пасайтириш учун ҳомиладор аёлларга кўрсатиладиган ёрдамни янада такомиллаштириш, перинатал марказ фаолиятини яхшилаш зарур, бунинг учун янги технологияларни тадбиқ этиш талаб этилади. Ушбу ҳолат мазкур диссертация тадқиқотини олиб бориш учун асос бўлиб хизмат қилди.

ФВПМга МОТ хавфи билан ёки муддатидан олдин туғиш учун ётқизилган 209 нафар аёлнинг ҳомиладорлиги ва туғруқнинг кечиши проспектив тадқиқ этилди. Тадқиқот билан қамраб олинган аёлларнинг ёши 19 дан 39 гача бўлиб, биринчи гуруҳда ўртача – $26,4 \pm 0,39$, иккинчи гуруҳда – $26,8 \pm 0,69$, учинчи гуруҳда – $27,2 \pm 0,64$ ёшни ташкил қилди. Текширилаётган ҳар уччала гуруҳда 20дан 30 ёшгача бўлган аёллар аксариятни ташкил қилди (80,8%). Анамнезни ўрганиш жараёнида шуни кўрсатдики, текширилган аёлларда муддатидан олдинги туғруқнинг ривожланишида эрта ёш, анамнездаги бошдан ўтказилган соматик касалликлар (сийдик йўллари инфекциялари, сурункали инфекциялар), ҳомиладорлик асоратлари (гипертензив ҳолатлар, преэклампсия) ҳамда анамнездаги репродуктив йўқотишлар роль ўйнаган бўлиши мумкин. Биринчи гуруҳда, перинатал технологиялар асосида ёрдам кўрсатилганлиги туфайли, 20%дан ортиқ аёлларда ҳомиладорлик 3-5 ҳафтага узайтирилди, иккинчи гуруҳдаги туғруқ фаолияти билан келтирилган ҳомиладор аёлларда токолитик терапия олиб борилиши ҳомиладорликни 3 кундан 20 кунгача узайтириш имконини берди. Даволанишнинг самарадорлиги ультратовушли цервикометрия, яъни бачадон бўйни узунлиги бўйича назорат қилинди. Ҳамма ҳомиладор аёлларга чақалоқ туғилганда респиратор дистресс синдромининг олдини олиш учун кортикостероидли терапия ўтказилди.

МОТ ривожланганда ва чала бола туғилганда перинатал технологиялар мавжуд стандартларга мувофиқ қўлланилди (эрта СРАР, ЎСВ; агар мустақил нафас олиш мавжуд бўлса, нафас олиш ва нафас чиқаришни қўллаб туриш учун қўлда вентиляция қилишга асосланган Т-тизим – ҳомила баротравма ва ателектотравма олишининг олдини олиш, СРАРни давом эттирган ҳолда кюезда бошқа бўлимга кўчириш; хона ҳарорати 28 градусдан юқори иссиқ туғруқ заллари; киндикни кечиктириб, 1-3 дақиқадан кейин кесиш; агар гестация муддати 28 ҳафтадан кам бўлса, полиэтилен плёнка билан ўраш; оғиздан энтерал озиқлантиришни эрта бошлаш; онанинг парваришлаши, «кенгуру» усули; СРАР дан узмасдан трахеядан сурфактант юбориш – чақалоқ вазни 26 ҳафталикдан кейин 1500граммдан кам бўлса).

Муддатидан олдин туғруқ ва/ёки ҚСЭК хавфи мавжуд ҳомиладорларни ўз вақтида перинатал марказга ётқизиш ва ҳомиладорликни сақлаб қолишга қаратилган терапия ўтказиш, соматик касалликларни текшириш ва даволаш перинатал касалланишнинг камайишига олиб келгани аниқланди (1-гуруҳда 43,6 фоизгача, 2-гуруҳда 56,3 фоизгача), неонатал ўлим ҳолатлари кузатилмади. 1-гуруҳдаги МОТ ва ҚСЭК хавфи бўлган, аммо туғруқ фаолияти бошланмаган ҳомиладорлар билан 2-гуруҳдаги туғруқ фаолияти бошланганда келтирилган

ҳомиладорларни қиёсий кузатиш маълумотлари келтирилди. 1-гурухдаги аёлларга перинатал хизматларни тўлиқроқ ҳажмда кўрсатиш ва ҳомиладорликни узайтириш, шубҳасиз, 2-гурухдагига нисбатан анча яхшироқ перинатал натижаларга олиб келди.

Диссертациянинг «Гипертензив синдром мавжуд ҳомиладорларда перинатал асоратлар ва репродуктив йўқотишларни камайтиришда перинатал марказнинг бугунги имкониятлари» деб номланган тўртинчи бобда перинатал марказ шароитида юқори хавф гуруҳига мансуб ҳомиладор аёлларда биринчи марта ўтказилган ҳомиладорликни узайтириш натижалари кўрсатилди. 2018-2019 йилларда кузатилган 59 нафар оғир даражали преэклампсия мавжуд ҳомиладорлар ва тукқанлар проспектив тадқиқот билан қамраб олинди. 3-гурухдаги текширилган аёллар 2та кичик гуруҳга ажратилди: 3а-гурухда – 49 нафар (83,1%) ҳомиладор аёлга ҳомиладорликни узайтириш ва ҳомилани яшаб кетадиган ҳолатгача етказишга эришилди; 3б-гурухдаги 10 нафар (17%) ҳомиладор аёл преэклампсия бўйича стандарт асосида юритилди, уларнинг аҳволи оғир бўлганлиги боис, улар муддатидан олдин туғдириб олинди.

Текширилганларнинг ёши 20дан 39 ёшгача бўлиб, ўртача $29,5 \pm 6,4$ ёшни ташкил қилди. Текширилган ҳомиладор аёлларда ушбу ҳомиладорликдаги ўхшашликни ўрганиш шуни кўрсатдики, уларнинг аксариятида – 40 нафар аёлда (67,8%) бу биринчи ҳомиладорлик бўлган. Такрорий ҳомиладор бўлганлар сони 19 нафарни (32,2%) ташкил қилди.

Муддатидан олдин туғруқ учун марказга ётқизилган аёлларда ҳомиладорликнинг гестацион муддати 25 ҳафтадан 34 ҳафтагача бўлган ва ўртача $29,8 \pm 4,7$ ҳафтани ташкил қилган (1-жадвал).

1-жадвал

Муддатдан олдин туғдиришга юборилган аёлларни ҳомиладорлик муддати

Келганида ҳомиладорлик муддати	Оғир преэклампсия 3 гуруҳ аёлла- ри, n=59		Шулар орасида даволанганлар			
			3а кичик гуруҳ – КБ пасайган, n=49		3б кичик гуруҳ – келганидан 48 соат ичида туғдирилганлар, n=10	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
23-27 ҳафта	7	$11,9 \pm 4,3$	4	$6,8 \pm 3,3$	3	$5,1 \pm 2,9$
28-32 ҳафта	40	$67,8 \pm 6,1^a$	35	$59,3 \pm 6,5^a$	5	$8,5 \pm 3,7^{***}$
33-36 ҳафта	12	$20,3 \pm 5,3^b$	10	$16,9 \pm 4,9^b$	2	$3,4 \pm 2,4^*$
Жами	59	$100,0 \pm 0,0$	49	$83,1 \pm 4,9$	10	$17,0 \pm 4,9^{***}$

Изоҳ: *- кўрсаткичларига нисбатан фарқланиш ишончли 3а кичик гуруҳ билан (*- $P < 0,05$; ***- $P < 0,001$); 23-27 ҳафталик ҳомиладорлик билан (а- $P < 0,001$); 28-32 ҳафталик 3б кичик гуруҳ билан (б- $P < 0,001$).КБ – кон босими.

Маълумки, чала туғилган болаларнинг яшаб қолиши уларнинг гестация ёшига ва туғилгандаги вазнига боғлиқ. Стационарнинг қабулхонасида гипотензив ва магнезиал терапия ўтказилгандан кейин, 49 нафар (83,1%) ҳомиладорнинг (3а-кичик гуруҳ) артериал босими (АБ) хавфсиз даражагача

(130/90 ва 140/90 гача) туширилди. Стационарга келтирилганда гестация муддатини (24 дан 31 ҳафтагача) ва перинатал патология ривожланиши ва ўлим хавфи юқорилигини ҳисобга олиб, бу беморларга АБ барқарор бўлгандагина ҳомиладорликни ҳомила яшаб кетадиган муддатгача узайтиришга қарор қилинди. Бир вақтнинг ўзида ҳомиланинг сурфактант тизимини тайёрлаш амалга оширилди – нафас бузилиши мажмуи (НБМ)нинг олдини олиш учун. Бунда фетоплацентар комплекс томирларида қон айланиши доплерометрияси маълумотлари, бачадон-йулдош-ҳомила қон айланишида (БЙХТ) бузилишлар бор-йўқлиги албатта ҳисобга олинди. Ҳомиладор аёлларнинг аҳволи ёмонлашиши хавфи юқорилигини ҳисобга олиб, уларга стационардан жавоб берилмади ва интенсив терапия палаталарида аҳволи узлуксиз мониторинг қилиниб, туғруқгача клиник-лаборатория назоратида ушлаб турилди.

Текширув натижалари 3-гуруҳдаги барча ҳомиладорларда соматик патология борлигини кўрсатди. Энг кўп сийдик йўллари инфекцияси (СЙИ) 39 нафар ҳомиладорда (66,1%) аниқланди: гестацион пиелонефрит – 29% ва симптомсиз бактериурия – 71%. Гепатобилиар тизим (10,2%) сурункали патология – ҳомиладорликда ривожланган сурункали гепатит ва холестаза билан ифодаланди, битта беморда токсик гепатоз билан асоратланди.

Гипертензив синдромнинг ривожланишига шунингдек оғир даражали темир танқислиги камқонлик ҳам олиб келди (17,0%). Олтита ҳолатда (10,2%) касалхонадан ташқари пневмония оғир преэклампсия билан асоратланди.

Стационарга келтирилганда АБ кўрсаткичлари 160/100, 170/100 ва ундан юқори бўлиб, аммо хавфли эклампсия белгилари бўлмаганда, ҳомиладорларни республика стандарти схемаси бўйича даволаш имконини берди: магнезиал терапия АБ пасайгунча (150/100, 140/90) икки кун давомида олиб борилди. Гипертензияни даволашда кунига 3 марта тил остига 10 мг нифедипин тайинлашдан иборат бўлди; нифедипин салбий таъсир килганда, ҳар 6 соатда 4 маҳал допегид 250мг, ёки кунига 2 маҳал 500мг. Агар 48 соат ичида А/Б кўрсаткичлари 150/100 мм.с.у. дан кўтарилмаса, эклампсиянинг хавф солувчи симптомлари кузатилмаса, ҳомиланинг аҳволи ёмонлашмаса, магнезиал терапия тўхтатилиб, аммо гипотензив терапия давом эттирилди (бисапролол таблеткаси 5мг бир марта тил остига, допегит таблеткаси 250 мг – ҳар 6 соатда per os, зарур бўлганда дозаси ўзгартирилади). Аммо ҳомиладор аёл бунда албатта перинатал марказнинг ҳомиладорлар хасталиги ва жонлантириш бўлимларида ёки интенсив терапия палатасида бўлиши керак, у ерда ҳомиладорнинг аҳволи динамикада кузатилади. Допплерометрияда 1-2 даражали бузилишлари кузатилганда стандарт бўйича даволаниш олиб борилди. 3-гуруҳдаги ҳомиладорларда гипотензив терапия интенсив терапия палатаси акушер-гинекологи, терапевти ва реаниматологи назорати остида ўтказилди. АБнинг барқарорлашуви ва унинг пасайишда давом этиши ҳомиладорликни ҳомила яшаб қоладиган муддатгача узайтириш учун кўрсатма бўлиб хизмат қилади.

Бир вақтнинг ўзида ушбу ҳомиладорларда соматик касалликлар текширилди ва даволанди, бу ҳам уларнинг аҳволи яхшиланишига ва АБ

пасайишига ёрдам берди. Улар ахволининг яхшиланиши ва АБ кўрсаткичларининг пасайиши биринчи навбатда сийдик йуллари инфекцияси бор ҳомиладорларда кузатилди. Ҳомиладорлар даволангандан сунг 83% ҳолатда ҳомиладорликни турли муддатларгача узайтиришга эришилди, бу билан бирга перинатал яқунлари ҳам яхшиланди.

Ҳомиладорликни узайтириш имкониятларини аниқлаш учун ультратовушли цервикометрия йўли билан бачадон бўйни узунлигини аниқлаш, айниқса ҚСЭКли ҳомиладорлар учун аҳамиятли бўлди. Бундан ташқари, цервикометрия муддатидан олдин туғдириш усули тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун ҳам аҳамиятга эга. Туғруқ фаолияти бошланмаган, аммо ҚСЭК бор ҳомиладорларда (1-2 гуруҳлар) бачадон бўйни узунлиги бир мунча қисқа бўлиб, бироқ гестация муддатига боғлиқ эди, яъни ҳомиладорлик 33-36 ҳафталик бўлганда бачадон бўйни узунлиги 22-27 ҳафталик муддатга қараганда ишончли тарзда қисқароқ эди ($P < 0,05$). Преэклампсиянинг оғир даражали 3-гуруҳда бачадон бўйни узунлиги ҳомиладор стационарга келтирилганда назорат гуруҳидаги кўрсаткичлардан деярли фарқ қилмаган. Бу преэклампсиянинг оғир даражасида туғруқ йўлларининг туғруққа тайёр эмаслигидан далолат беради ва индуктив туғруқнинг у ёки бу турини қўллашни тақозо этади.


Преэклампсия, МОТ ва ҚСЭК хавфи мавжуд ҳомиладорларда фетоплацентар комплекс (ФПК) томирларида қон айланиши сифати кўрсаткичларининг доплерометрияси йўли билан динамик УТТ-кузатув амалга оширилди.

Ҳаммаси бўлиб 1, 2 ва 3-гуруҳлардаги 209 нафар ҳомиладор аёл текширилди. 3-гуруҳдаги оғир преэклампсияли ҳомиладорларга она-йулдош-хомила қон айланиши доплерометрик текширувлари улар стационарга келтирилганда ва кейинчалик ҳомиладорликни узайтириш мумкинлиги масаласини ҳал қилиш учун динамикада ўтказилди. Текширилган ҳомиладор аёлларнинг 134 нафарида турли даражадаги она-йулдош-хомила қон айланиши бузилишлари аниқланди (1,2-чи расм).


1А даражали бузилишларда ҚСЭКли беморларнинг учдан бир қисмида (38,4%) ҳомиладорликни 2 ҳафтагача узайтиришга эришилди. Оғир даражадаги преэклампсияли ҳомиладорларда ҳам беморларнинг учдан бир қисмида (16 – 33,3%) асосан 2 ҳафтагача, камроқ ҳолларда 2 ҳафтадан узоқроқ вақтгача узайтириш мумкин бўлди. Аммо гипертензиясиз ҚСЭКда (1 ва 2 гуруҳлар) ҳомиладорликни 2 ҳафтадан 1 ойгача бўлган муддатга узайтиришга эришилди, бу оғир преэклампсияли 3-гуруҳга қараганда 2,7 барабар кўпдир. (1 ва 2-расм.)

1Б-даражадаги бузилишларда даволаш ижобий самара берди ва ҳомиладорликни 44 нафар аёлда (32,8%) 2 ҳафтагача ва ундан ҳам кўпроқ муддатга узайтиришга эришилди. Аммо бундай натижа 1 гуруҳдаги ҚСЭКли ҳомиладорларда (40,7%), 3-гуруҳдагиларга (18,8%) қараганда кўпроқ кузатилди. 3-гуруҳда она-йулдош-хомила ўртасида қон айланиши бузилиши 1-даражали бўлган, туғруққа кўрсатма берилган ҳомиладорларда АБнинг

қайтадан кўтарилиши ёки хавф солувчи эклампсия белгиларининг кучайиши қайд этилди.



1-расм. Хом.А.Ш. 22ёш.28 хафта. БИКБ 3 дар. Киндик томирида диастолик кон айланиши йук.



2-расм. Хом.С.Г.32 ёш33хафта. БИКБ 1б.дар. ИР 0.19 паст

Допплерометрияда она-йулдош-хомила кон айланиши II-даражали бузилиши аниқланиши 1 ва 2-гуруҳлардаги ҚСЭК мавжуд 13 нафар аёлда, оғир преэклампсия мавжуд аёлларнинг фақат 11 нафарида кортикостероид билан сурфактант тизимни тайёрлаш учун хомиладорликни 2 кунгача узайтириш имконини берди. Она-йулдош-хомила кон айланишининг III-даражали бузилиши 10 нафар аёлда қайд этилиб, кортикостероид терапия олиб борилгандан кейин муддатидан олдин туғдириб олиш учун кўрсатма бўлди. Қон айланиши сифатини динамик кузатиш эса хомиладорликни кейинги юритиш тактикасига тузатишлар киритиб бориш имконини берди.

Хомиладорликнинг кейинги давом эттирилиши прогноз қилишда протеинурия даражаси ҳам аҳамиятли бўлиб, хомиладор аёлни юритиш тактикасини ишлаб чиқиш имконини берди. 3-б кичик гуруҳида 3 г/л дан юқори протеинурия оғир преэклампсияли 6 нафар аёлда (10,2%) аниқланди, бу буйрак етишмовчилиги ривожланаётганидан далолат беради ва хомиладорликни узайтириш учун қарши кўрсатма бўлади. Хомиладорларда оғир преэклампсия мавжудлигида буйраклар функционал қобилятини кузатиб туриш мақсадида бемор стационарга келган пайтда ва даволаниш динамикасида қон зардобидида мочевина ва креатинин миқдори текширилди. За-кичик гуруҳидаги хомиладорларда стационарга келтирилган пайтда ҳам, даволанишдан кейинги динамикада ҳам қон зардобидида мочевина миқдори

норма атрофида бўлди, бу оғир преэклампсия мавжуд ҳомиладорларда даволаниш натижасида ижобий динамика кузатилаётганини ва буйрак етишмовчилиги ривожланаётганини истисно этиш ва ҳомиладорликни узайтириш имконини берди. Фақат мочевина кўрсаткичлари беморлар келиб тушгандагига нисбатан бир мунча ошган ($P<0,05$).

3б-кичик гуруҳидаги беморларда стационарга келганда мочевина кўрсаткичлари 3а-кичик гуруҳидагиларга нисбатан ($P<0,001$) ҳамда улар келиб тушгандаги маълумотларга ($P<0,001$) нисбатан ишончли тарзда юқори бўлган, чунки баъзи бир беморлардан таҳлиллар олинганда динамикада уларда нормадан юқори кўрсаткичлар қайд этилган. 3а-кичик гуруҳидаги ҳомиладорларнинг қон зардобида креатинин миқдори умуман норма атрофида бўлган. 3-б кичик гуруҳидаги ҳомиладорлар стационарга келтирилганда креатинин нормада бўлган. Креатининнинг ўртача миқдорлари 3-а кичик гуруҳи кўрсаткичларидан ($P<0,01$) ва стационарга келтирилганидаги миқдоридан ($P<0,01$) ишончли юқори бўлган. Динамик кузатувда ҳомиладорларнинг бир қисмида креатинин ошган, бу буйрак етишмовчилиги ривожланаётганидан далолат берган ва муддатидан олдин туғдириб олиш учун кўрсатма бўлган. Тегишлича, қон зардобида мочевина ва креатинин миқдорини текшириш натижалари шуни кўрсатдики, оғир преэклампсия мавжуд бўлганда буйрак етишмовчилигини ўз вақтида аниқлаш ва ҳомиладорликни муддатидан олдин яқунлаш учун ҳомиладорликни узайтиришда бу кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим. Оғир преэклампсия мавжуд ҳомиладорларнинг аҳволи ёмонлашаётганидан коагулограмма кўрсаткичлари, протромбин индекси, фибриноген ва АЧТВ миқдорларининг ҳам ошгани далолат беради.

Бачадон-плацента қон айланишини яхшилаш учун 3-а кичик гуруҳидаги ҳомиладорларга в/и томчилатиб L-аргинин препаратларини, Омега-3 ёғ кислоталари ҳамда қон ивишини нормаллаштирадиган ва бачадон-плацента бўғинида қон айланишини яхшилайдиган препаратларни тайинлаб, эндотелиал дисфункция коррекцияси амалга оширилди. АБ ҳамда она-йулдош-хомила ўртасида қон айланиши сифатининг барқарорлашуви, қон айланиши сифати ёмонлашиши белгиларининг йўқлиги, фетометрияда хомила вазни ошаётгани қайд этилиши, хомила ривожланишидан орқада қолиши (ХРОҚ) белгиларининг йўқлиги даволанишнинг ижобий самараси деб эътироф этилди. Динамикада протеинурия ва лейкоцитурия даражаси СЙИ (сийдик йуллари инфекцияси) ҳомиладорларда пасайди. Оғир даражадаги преэклампсия мавжуд ҳамма ҳомиладорларга фетоплацентар комплекс ультратовуш текшируви, хомила биометрияси ўтказилди, унда 7 нафар аёлда (11,9%) 2-3 даражали ХРОҚ синдроми қайд этилди, бу ҳам ҳомиладорликни узайтиришга қарши кўрсатма ҳисобланади. Бундан ташқари, қон айланиши умуман бўлмаганда ва ХРОҚ яққол ифодаланганда (3та ҳолатда – 5,1%) ҳам ҳомиладорлик тўхтатилди ва ҳомиладор амалдаги стандартга мувофиқ туғдириб олинди.

Иккита ҳомиладор аёлда (3,4%) АБнинг 160/110 ва ундан юқори кўрсаткичларгача қайта кўтарилиши магнезиал терапияни такроран қўллаш ва бир вақтнинг ўзида туғдириб олиш учун кўрсатма бўлди. Бу аёлларда туғруқ

пайтидаги гестация муддати 32 дан 37 ҳафтагача бўлган, яъни ҳомиланинг яшаб қолиш имконини оширишга эришилган. Хавф солувчи эклампсия белгилари 4 нафар (6,8%) ҳомиладорда кузатилган. Улар ҳомиладорликни юритиш стандартларига мувофиқ операция йўли билан туғдириб олинди.

Ҳаммаси бўлиб 2-3 кун ичида оғир преэклампсия мавжуд 59 нафар ҳомиладор аёлларнинг 3-б кичик гуруҳдаги 10таси (17,0%) шошилинич туғдириб олинди. Уларнинг 8 нафарида (13,6%) даволаниш давомида хавф солувчи эклампсия белгилари пайдо бўлган. Ушбу аёлларни жонлантириш бўлимида бўлган дастлабки 48 соат ичида туғдириб олиш учун кўрсатма бўлди. 4та ҳолатда (6,8%) бу она-йулдош-хомила кон айланиши бузилиши билан боғлиқ бўлган, шунинг учун бу аёлларда ҳомиладорлик туғруқ фаоллиги пайдо бўлгунига қадар ёки АБ қайтадан ошиб кетгунига қадар узайтирилди. 12та ҳолатдаги ҳомиланинг ХРОҚ белгилари мавжуд бўлганда улардан 3 нафарида ҳомиладорлик узайтирилмади, чунки оғир преэклампсияни даволаш яхши натижа бермади. Стационарга оғир преэклампсия билан келтирилган аёлларнинг 51 нафарида даволаниш ва ҳомиладорликни узайтиришдан кейин туғруқ индукцияси амалга оширилди. Туғруқ индукциясининг 3та туридан фойдаланилди – простагландин E_2 , окситоцин ва амниотомия билан туғруқни чақириш. Преэклампсияда туғруқ йўллари ҳали тайёр эмаслигини ҳисобга олиб, бачадон бўйнини етилтириш учун простагландин E_2 -га афзаллик берилди, окситоцин билан индукциялаш ёки амниотомия усулидан камроқ фойдаланилди. Туғруқ фаолияти бошланганда АБ ошиб кетишининг олдини олиш учун амниотомия бажарилди ва оғриксизлантириш - эпидурал анестезия усулида амалга оширилди. Бу операциядан кўра 6,5 марта кўпроқ табиий йўл билан муваффақиятли туғдириш имконини берди ($P < 0,01$).

Олиб борилган даволаниш натижаси, албатта, перинатал яқунлардир. Фақат 3 гуруҳда битта туғруқ ўлим билан тугади, бунда ҳомиланинг вазни 900 граммдан кам бўлган. Бола туғилганда унинг яшаб қолиши учун унинг вазни алоҳида аҳамиятга эга. Оғир преэклампсия туфайли ҳомиладорликни тўхтатиш учун ётқизилган 3-а кичик гуруҳдаги ҳомиладорларда ҳомиладорликни узайтириш нафас бузилиши мажмуи (НБМ) чақалоқлар туғилиши тез-тез содир булишини камайтиришга имконини берди. Бу, ўз навбатида, сурфактантга харажатларни камайтирди, зеро протокол бўйича туғруққача кортикостероидларни қабул қилган онадан туғилган чақалоқлар асосан 32 ҳафтадан ортиқ гестация муддатида дунёга келган ва уларда НБМ белгилари кузатилмаган, демак чақалоқларнинг трахея-бронхиал шохига сурфактант юбориш учун кўрсатма бўлмайди.

Сурфактант 27 ҳафтадан 32 ҳафтагача бўлган гестация муддатида туғилган ҳамма чақалоқларга, нафас олиш етишмовчилиги сақланиб қолаётган ва СРАР асосида респиратор қўллаб-қувватлаш самара бермаётганда, ёки туғруқ залида трахея интубациясига кўрсатма бўлганда қўлланилади. Бундай ёндашув клиник ва иқтисодий нуқтаи назардан самаралироқ ҳисобланади, асосийси эса, чақалоқларнинг яшаб қолиши эҳтимолини оширади. Бизнинг ҳолатда гестация муддати 27-32 ҳафтада муддатидан илгари туғруқларнинг бта

(10,2%) ҳолатида сурфактантдан фойдаланилди. Асосан булар оғир преэклампсия мавжуд оналардан туғилган чақалоқлар бўлиб, она стационарга келтирилгандан кейин дастлабки 1-2-чи кунларда туғилган. Уларга ҳомила дистресси профилактикаси фақат бир марта ўтказилди.

Шундай қилиб, ўтказилган терапиянинг ижобий самараси 49 нафар ҳомиладор аёлда ҳомиладорлик 6-10 кундан 1 ойгача бўлган муддатга узайтирилди. Бу, албатта чақалоқларнинг яшаб қолиши даражасини ошириш, экстремал кам вазнда ва жуда кам вазндаги чақалоқларнинг туғилиши тез-тез содир булишини камайтириш учун катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳомиладорлик 1 ойгача узайтирилгандан кейин туғилган чақалоқлар (10 нафар бола) орасида касалланиш ҳолатлари ҳамда касалхонада даволаниш фоизи иккинчи босқичда деярли икки бараварга қисқарди.

3-а кичик гуруҳдаги ҳомиладорларнинг деярли ярмисида ҳомиладорликни 2 ҳафтагача узайтиришга эришилди. Бу ҳам преэклампсияли ҳомиладорлардан туғилган чақалоқларнинг яшаб қолиши кўрсаткичи ошишига олиб келди. Бу муддат давомида ҳомиладорлар интенсив терапия бўлимида даволанган, шу жумладан 34 ҳафтагача ҳомилага НБМ профилактикаси ўтказилган. Туғруқ яқунлари шунингдек ҳомиладорликни олиб бориш тактикасига ҳам боғлиқ. 3-б кичик гуруҳда 10 нафардан фақат битта туғруқ (10,0%) неонатал ўлим билан яқунланган бўлса, 3-а кичик гуруҳда 49 нафар ҳолатларнинг ҳаммасида болалар тирик ва яшаб кетиш учун яхши кўрсаткичлар билан туғилди. Бу, шубҳасиз, преэклампсияли ҳомиладорларни даволаш ва улар аҳволини динамик кузатиш натижаси бўлди. Шунингдек, бундай ҳомиладорларни юритишнинг мавжуд стандартдан фарқ қиладиган янги алгоритмини яратиш учун ҳам асос бўлди.

Перинатал марказ шароитида оғир преэклампсия ёки оғир даражадаги гипертензия мавжуд ҳомиладорларни юритиш алгоритми

- Ҳомиладор аёлни III-даражали муассаса – перинатал марказга кўчириш.
- Қабулхона бўлимида стандарт бўйича биринчи ёрдам кўрсатиш, доимий в/и катетерини ўрнатиш.
- Жонлантириш бўлимида кузатиш ва даволаш.
- Соматик касалликларга текшириш, улар аниқланган тақдирда –терапевт назоратида даволаш.
- Гестация ёши, ҳомиланинг вазнини, она-йулдош-хомила кон айланиши бузилишларини, ХРОҚ мавжудлигини ҳамда даволаниш самарадорлигини аниқлаш учун она-йулдош-хомила кон айланиши бузилишини ҳолатини УТТда мониторинг қилиш.
- НБМни кортикостероидлар (бетаметазон) билан профилактика қилиш.
- Буйраклар фаолиятини (мочевина, креатинин) ва коагулограммани назорат қилиш.
- Ижобий динамикада – даволанишни давом эттириш ва она ва ҳомила ҳолатини ҳомила яшаб қоладиган муддатгача мониторинг қилиш учун туғруққача интенсив терапия палатасига ўтказиш.

• Салбий динамика юз берганда ёки АБ қайта кўтарилган тақдирда – туғруқни индукцирлаш ва операция йўли билан туғдириб олиш.

Оғир преэклампсия билан келган ҳомиладорлар учун кўшимча интенсив терапия палаталарини ташкил қилиш, ҳомила яшаб қоладиган муддатгача ҳомиладорликни узайтириш масаласини тўғри ҳал қилиш ФВПМдаги баъзи бир кўрсаткичларнинг яхшиланишига олиб келди.

